Ушбу сонда:
2 ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ҚАЙСИ МАҚСАДЛАРГА САРФЛАНЯПТИ?
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ КУТУБХОНАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 ноябр, чоршанба № 191 (2032)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси 2005 йил 2 декабр куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2005 йил 1 декабр куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# КОНСТИТУЦИЯ — ЮКСАК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида ривожланаётганлигига 14 йил тўлди. Ўтган давр ичида миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори барпо этилди. Халқимиз ўзининг миллий ва маънавий қадриятларини тиклаш билан бир қаторда уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга, бойитишга эришди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муҳим ютуқларидан биридир.***

Қадрият деганда инсониятга хизмат қилувчи, унинг талаб ва манфаатларини қондирувчи барча моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади. Миллий қадриятлар тушунчаси эса, миллатга хизмат қилувчи, унинг азалий эҳтиёжларини қондирувчи жамики моддий ва маънавий неъматларни ўз ичига қамраб олади. Мазкур таърифдан миллий қадриятлар фақатгина бир миллатга хизмат қилади, деб тушунилмайди албатта. Қадриятлар ўртасида қатъий чегара бўлмайди, улар қайси миллат қадрияти сифатида вужудга келганлигидан қатъий назар у ёки бу маънода барча миллат вакилларига хизмат қилиш хусусиятига эга. Шу билан биргаликда миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг моҳияти, унинг муайян мустақил этник бирлик эканлигини англатиб турувчи асосий омил вазифасини ҳам бажаради. Зеро, миллат мавжуд экан миллий қадриятларнинг аҳамияти асло камаймайди.

Миллий қадриятлар кенг доирага эга бўлиб, уларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, диний, маънавий-ахлоқий мазмундаги қадриятларга ажратиш мумкин. Шу ўринда, асосий эътиборни Конституциямизда ўз ифодасини, керак бўлса ҳуқуқий регламентациясини топган миллий қадриятларимизга қаратмоқчимиз.

Бош Қомусимизнинг қадр-қиммати, унинг инсонни олий қадрият сифатида эътироф этиб, унга эркин яшаши ва камол топиши учун лозим бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда барча зарур шароит ва имкониятларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашида, шунингдек, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг олий эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

Конституциямизнинг миллий қадрият сифатидаги хусусиятларини икки турга ажратиш мумкин. Улар конституциянинг Асосий Қонун ҳамда демократик ғоявий негиз тарзидаги қадр-қимматидир. Асосий Қонун тарзидаги қадрият хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

**биринчидан**, Конституция Ўзбекистон халқининг азалий интилиши бўлган мустақиллик, эркинлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини олий юридик даражада мустаҳкамлади;

**иккинчидан**, Конституция барча инсонларнинг ирқи, жинси, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва бошқа мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенглигини эътироф этди ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилади ва кафолатлади;

**учинчидан**, Конституция жамият ва шахс муносабат-




ларини аниқ ҳуқуқий шаклларда белгилади ва шу орқали иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этишини, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, табиий ресурсларнинг умумий бойлик эканлигини тасдиқлади. Фуқароларга турли хилдаги жамоат бирлашмаларини тузиш ва улар фаолиятида эркин иштирок этиш имкониятларини яратиб берди. Оилани жамиятнинг асосий бўғини эканлигини, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади;

**тўртинчидан**, Конституция Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг менталитети, ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, улар яшайдиган ҳудуднинг табиий шароитлари ва тарихий шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда республиканинг миллий давлат ва маъмурий ҳудудий тузилиши масалаларини ижобий ҳал этди.

**бешинчидан**, Бош Қомус давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ҳамда фаолият юритишнинг асосий принциплари ва қоидаларини белгилаб берди. Уларга кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Давлат ҳокимияти ҳокимият тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади;

**олтинчидан**, Конституция Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари тузилишини назарда тутиб, инсонларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги гаровини таъминлади.

Конституциямизнинг демократик ғоявий негиз, қадрият сифатидаги хусусиятлар эса қуйидагиларда намоён бўлади:

– Конституция фуқароларимиз онгида мустақиллик, эркинлик, қадр-қиммат, масъулият, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзга ғояларни қарор топтиришга хизмат қилмоқда;

– Конституция халқимиз эҳтиёжларини, хоҳиш-иродасини, мақсад-муддаоларини, асрий орзу-интилишлари ва уларни амалга ошириш принципларини ўзида ифодалаб, фуқароларни инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш ғояси асосида бирлаштирмоқда;

– Конституция Ўзбекистон халқининг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги бой тарихий тажрибасини, анъанавий қадриятларини умуминсоний қадриятлар, ютуқ ва тажрибалар блан бойитди. Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципи, кўппартиявийлик кабилар шулар жумласидандир;

– Бош Қомусимиз миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоявий-ҳуқуқий замини ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, Конституция халқимиз томонидан мустақиллик йилларида қўлга киритилган юксак миллий-ҳуқуқий қадриятдир. Зеро, унинг ҳар бир моддаси, ҳар бир қоидаси инсон учун, унинг моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёжларини, манфаатларини қондириш учун халқимизнинг жипслиги ва равнақи учун хизмат қилмоқда.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

*Касаба уюшмалари тадбири*

# «САЛОМАТЛИК»
## республика спартакиадаси

***Чирчиқ шаҳридаги «Олимпия заҳиралари» коллежида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий «Саломатлик» Республика спартакиадаси тантанали равишда очилди.***

Таъкидлаш лозимки, спартакиаданинг биринчи ва иккинчи босқичлари жойлардаги меҳнат жамоаларида туман, шаҳар ҳамда вилоят миқёсида зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. Замонавий талабларга жавоб берувчи муҳташам спорт мажмуида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан финал босқичига йўлланма олган жамоалар ғолиблик учун муросасиз беллашувларга киришдилар.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури ҳамда Республика Ҳукуматининг Ўзбекистонда спортни янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори асосида турли соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар, айниқса аёллар ва ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт орқали меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, барча ҳудуд ва тармоқ вакиллари ҳамда жамоалар



ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдир.

Гўзал ва тантанавор безатилган спорт мажмуида 300 нафардан зиёд иштирокчилар кураш, енгил атлетика, аёллар волейболи, оилавий мусобақалар, арқон тортиш, стол тенниси ва тош кўтариш бўйича мусобақалашмоқдалар.

– Бугунги спорт тадбирида иштирок этгани оила аъзоларимиз билан бирга келганмиз, - дейди Қашқадарё вилоят жамоаси вакили Илҳом Холбозоров. – Оиламиз




– педагоглар оиласи. Касаба уюшмаларининг мазкур спартакиадаси меҳнаткашларни оилавий соғломлаштириш, Ватанимизда спортни янада ривожлантириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларини спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда улкан аҳамиятга эгадир. Мен буни ўз оилам мисолида ишонч билан айта оламан. Чунки, бу каби тадбирлар меҳнат фаолиятимиз, оилавий тотувлигимиз, фарзандларимизнинг ўқишларида ҳам ижобий самарасини бермоқда. Шу боис бу каби спорт тадбирларини мунтазам равишда ташкил этаётган Республика касаба уюшмаларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, касаба уюшмаларининг



мазкур тадбири республикамизда оммавий спортни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий спорт турларига бўлган қизиқишни кучайтириш, халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфузини янада юксалтиришдек эзгу ишларнинг давоми бўлиб қолади. Ёш авлодни соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси бўлмиш спортга янада яқинлаштириш уларнинг нурли келажагини белгилаб беради.

«Саломатлик» республика спартакиадасининг тантанали очилиш маросимида ёш спортчиларнинг намунавий чиқишлари намойиш этилди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар янгради.

**М.ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот котиби,
А.ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири**




**И.ҲАСАНОВ
олган суратлар**

# МИРИШКОР ИБРАТИ

Дўстлик туманида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Машъал» фермер хўжалиги деҳқонлари пахта ҳосилидан бўшаган 84 гектар майдонни ноябрнинг бошидаёқ сифатли шудгорлаб қўйган эди. Шу кунларда хўжалик далаларида шўр ювиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

- Бу йил ҳар гектардан 33 центнердан пахта олдик, - дейди Омон ака. - Ҳосилнинг юз тоннасини уруғликка топширдик. Жами 100 миллион сўмлик пахта сотган бўлсак, шунинг ярмини соф фойда ташкил этади.

Бу йил ҳеч нарсадан камчилик кўрмадик. Ҳар бир агротехник тадбир учун етарлича маблағ олдик. Уруғ, маъданли ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилди.

*«Ишонч» фош этади*

***Тадбиркорлар халқимизнинг оғирини енгил қилаётган, мамлакат иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётганлиги учун доим эл-юрт назар-эътиборида туради. "Бозор ислоҳотларида чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Юртбошимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларида ўрта ва кичик бизнесни рағбатлантириш вазифалари қўйилганлиги бежиз эмас.***

# ХОНАДОНДАГИ ЯШИРИН «ҚОРХОНА»ЛАР

Янги қабул қилинган Фармон ва қарорларда тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, бу борада ишбилармонларга ҳуқуқий ёрдам бериш, шу йўл билан иқтисодиётимиз барқарорлигига эришишга даъват этилади. Лекин гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек сохта тадбиркорлар ҳам йўқ эмас. Жалақудуқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимларининг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ибратлидир.

Бўлим ходимларининг маҳалла фаоллари, аҳоли билан жонли алоқаси одатдагидек самарали бўлди. Жалақудуқ туманидаги бир қатор хонадонларда яширин цехлар ишлатилаётгани тўғрисида маълумот олинди. Прокурор ҳузурида олинган ахборотни аниқлаштириш ва тегишли тадбирлар белгилаш учун тезкор таркиб тузилди. Анваржон Буважонов, Алишер Жабборов, Муроджон Раимкулов каби қилни қирқ ёрадиган тажрибали изқуварлар таркибга бириктилди.

Йиғинда ҳуқуқбузарлар шахсини ойдинлаштириш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сотилишини ўрганиш, ҳамтовоқларини топиш каби суриштирув ишлари муҳокамадан ўтказилди. Прокурор бўлим ходимларидан суриштирув тадбирлари қонун нормалари ва ваколатлар доирасида олиб борилишини талаб қилди.

...Ўғринча иш тутувчилар аслида тунда ҳаракат қиладилар. Янгисор маҳалла У.Юсупов кўчасида истиқомат қилувчи Ахмадилло Иминов мойжувозхонада дарчадан зулматга тикилиб, дастгоҳларнинг гуруллаб ишлашига қулоқ тутиб ўтирарди. Ҳар галгидек, ҳуфёна ишларидан ҳеч ким огоҳ бўлмаслигига ишонган ҳолда бамайлихотир эди. Хаёли эртага Қорасув бозорида уни илжайиб кутиб оладиган мижозларда, қўлга тегадиган жарақ-жарақ пулларда эди. Эшикнинг бемаҳалда чертилиши Ахмадиллонинг режаларини тўзитиб юборди. Кўп ўтмай, остонада "баклашка" кўтарган мижоз кўринди. Мезбон елим идишни эгасига ўсимлик ёғига тўлатиб узатишга улгирмади. Яширин цехга Анваржон Буважонов бошлиқ тезкор гуруҳ аъзолари кириб келишди. Ахмадиллонинг хуши бошидан учди. Ҳуфёна иш устида қўлга тушганини пайқаб турарди. Энг ёмони, ҳокимлик ҳузуридаги тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекцияси томонидан берилган гувоҳнома ҳам иш бермади. Чунки, гувоҳнома 2003 йил март ойида расмийлаштирилган бўлиб, фойдаланиш муддати аллақачон ўтган эди.

Текширишда унинг яна бир айби исботини топди. Яъни истеъмолга яроқлилиги шубҳали маҳсулот ишлаб чиқараётганда сири фош бўлди. Бу Ўзбекистон Республикасининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"-ги Қонунга бутунлай зид эди. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахсларнинг лицензиясиз фаолият кўрсатиши ман қилинган. Электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлиги ҳам текширувчиларнинг эътиборидан четда қолмади. Сабаб, электр симлари очиқ ҳолда ётарди. Истеъмолга яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, боз устига хавфсизлик техникаси қоидаларини менсимаслик инсонлар соғлиги, ҳаётига дахл қилиш деб баҳоланди.

(Давоми 2-бетда)

***Фарғона вилоятида Россия капитали иштирокида йигирмата қўшма корхона фаолият юритмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида бу корхоналар томонидан 8 миллиард 222 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва савдо хизмати кўрсатилди. Мазкур корхоналар саноатнинг турли соҳаларини ривожлантиришда, ишлаб чиқариш қувватларини оширишда, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

# РОССИЯ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДА

Шу йилнинг тўққиз ойлик якунларига кўра, вилоятнинг Россия билан ташқи савдо айланмаси 40 миллион 576 минг, экспорт ҳажми эса 17 миллион 660 минг АҚШ долларини ташкил этди. Пахта толаси, қора ва рангли металлар, машина ва ускуналар, энергия ресурслари ва бошқа турдаги маҳсулотлар бўйича экспорт-импорт алоқалари тобора кенгайиб бормоқда.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, Россия капитали иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришда ҳамкорларимизнинг улуши 12430,7 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, россиялик инвесторлар ҳисобидан «Қўқон суперфосфат заводи» МЧЖ қўшма корхонасини реконструкция қилиш учун 1 миллион АҚШ долларига тенг инвестицион мажбурият бажарилган. Ушбу корхонага инвесторлар томонидан яна 3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицион мажбурият бажариш тадбири кўрилмоқда. Ўзбекистон-Россия «SUN VALLEY JUICE» қўшма корхонаси учун Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 2490 минг евро эвазига хориждан жиҳозлар келтирилди ва у ишга тушиш арафасида турибди. Вилоятда россиялик инвесторлар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун барча шарт-шароит мавжуд. Мамлакатларимиз ўртасида иттифоқчилик муносабатларининг йўлга қўйилгани бу борада янада катта имкониятлар очиб беради.

**(ЎзА)**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**Канада парламенти Либерал партия етакчиси Пол Мартин раҳбарлигидаги ҳукуматни истеъфога чиқарди. Бунга депутатлар орасида амалдаги ҳукуматга ишонч йўқолгани сабаб бўлди. Мазкур таклифни мухолифатдаги Консерваторлар партияси, Квебек блоки ҳамда Янги демократик партия қўллаб-қувватлаган.**

**РАТА-ТАСС хабарларига кўра, ўн икки йилдан буён ҳукуматни бошқариб келаётган либераллар муваффақиятсизлиги давлат бюджетининг ноқонуний сарфланиши билан боғлиқ машмашаларга алоқадордир.**

**Канадада сўнгги бор ҳукумат мухолифат тазйиқи остида 1979 йилда истеъфога чиқарилган эди.**

* * *

*Германия телевидениеси Ироқда жангарилар немис фуқаросини ўғирлаб кетгани ҳақида хабар тарқатди. Унда таъкидланишича, жангарилар расмий Берлиндан Ироқнинг амалдаги ҳукумати билан муносабатларга чек қўйишни талаб қилган. Ҳозирча ўғирланган фуқаронинг шахси, Ироқда нима иш билан шуғулланиб келгани аниқ айтилмаяпти.*

*Мутахассислар Германия ҳукумати аввалбошданоқ Ироқ урушига қарши чиққан давлатлардан бири саналишини таъкидламоқда. Шу боис мамлакат Ироққа ўз қўшинларини юбормаган эди.*

* * *

**Бангладешда кўпорувчилик ҳаракати содир этилди. Биринчи портлаш йирик порт-шаҳар - Читтагонгдаги суд биноси ёнида рўй берди. Иккинчи портлаш эса Газипур шаҳрида содир этилди. Бу ерда ҳам кўпорувчилик суд биноси ёнида амалга оширилган.**

**Ҳозирча хунрезлик ортида кимлар тургани маълум эмас. Полиция ходимларининг фикрича, бунда мамлакатдаги айирмачи гуруҳларнинг қўли бўлиши мумкин.**

* * *

*Венесуэла ҳукумати келаси 7 йил мобайнида нефть саноатига 60 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилишини маълум қилди. Бундан кўзланган мақсад 2012 йилга бориб кунлик нефть қазиб чиқариш миқдорини 5,8 миллион баррелга етказишдир. Айни пайтда бу кўрсаткич 3,2 миллион баррелни ташкил қилмоқда. Шунинг 2,18 миллион баррели давлатга қарашли «Петролеос де Венесуэла», қолгани эса маҳаллий ва хорижий нефть компаниялари ҳиссасига тўғри келади.*

* * *

**Гондурасда содир бўлган йирик транспорт ҳалокати туфайли йигирмадан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга қараганда, тоғли йўлда кетаётган юк машинаси бурилиш жойида ағдарилиб, жарликка қулаб тушган.**

**Хабарда юк машинасида якшанба куни ўтказилган парламент сайловида муваффақият қозонган Либерал партия тарафдорлари бўлгани айтилмоқда. Улар ғалабани нишонлаш мақсадида Ла-Пас шаҳрига кетаётган экан.**

**(ЎзА)**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда*

# УНИВЕРСИТЕТДА ВИДЕОКОНФЕРЕНЦЗАЛ

***Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида 14 минг 131 нафар талаба, 490 нафар магистрант, 85 нафар аспирант ва докторантлар таҳсил олмоқда. Кундузги ва сиртқи таълим шакли талабалари интернет тизимидан фойдаланган ҳолда узоқ масофадан туриб, мустақил тайёрланишлари учун барча шароит яратилган.***

Малакали педагог кадрлар тайёрлашда ўқув жараёнини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада рейтинг тизими асқотмоқда. Унинг тўлақонли ишлаши учун назорат ҳафталари ўтказилиб, талабалар томонидан фанлар бўйича тўпланган баллари қайдномаларида, академ гуруҳ журналларида ва рейтинг ойналарида ёритиб борилмоқда. Бу эса талабаларнинг ўқув йили давомида фаоллашишини ва ўзлаштиришларини таъминлаб келаётир.

Кадрлар тайёрлашни буюртмачилар талабидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ўқув-услубий кенгаш қарорига кўра 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабалари билан уч томонлама шартнома асосида яъни педагогик амалиётни келажакда ўзлари ишлайдиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Чет эл ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳам самарали бўлмоқда. Жумладан, Корея Республикасининг бешта университети билан ўзаро тажриба алмашиш борасида истиқболли шартномалар имзоланди. Шунингдек, Корея Республикаси ўқитиш маркази "Корея фаундейшн" ва КОИКА ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик қилинаяпти. Улар томонидан рус-корейс филологияси факультетига моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари Мисрнинг Хелвон, Германиянинг Фрайбург, Йена, Байройт, Трир ва Альберт Людвиг номидаги университетлари, "Глобал" нотижорат ташкилотлари билан доимий алоқалар ўрнатилган.

Масалан, Франциянинг Гренобль, Испаниянинг Малага университетлари билан тайёрланган лойиҳа Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастурлари доирасида ғолиб, деб топилди ва ТЕМПУС томонидан 96 минг 500 евро миқдорида молиялаштирилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида университетга 22 минг АҚШ долларига тенг миқдорда компьютер техникаси олинди ва 10 нафар ходим Франция ва Испания давлатларида малака ошириб келишди.

Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастурлари доирасида Франциянинг Гренобль, Бельгиянинг Либре, Чехиянинг Брно университетлари билан ҳамкорликда тайёрланган "Ўрта махсус таълим тизими педагогларининг малака ошириш Марказини яратиш" мавзусидаги лойиҳа ҳам 380 минг евро миқдорида молиялаштириладиган бўлди. Мазкур лойиҳа 2005-2007 йиллар давомида амалга ошириладиди. Мавжуд 362 та замонавий компьютерларнинг дастури таъминланган. Уларга техник хизмат кўрсатилмоқда (операцион система, Office дастурлари, антивируслари). Марказда замонавий Pentium компьютерларидан иборат 26 та ўқув синфлари мавжуд бўлиб, ўқув ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда биринчиларидан бўлиб университетда видеоконференцзал замонавий технологиялар асосида жиҳозланди. Вилоят университетлари билан анжуманлар унинг ёрдамида ўтказилмоқда. Ўқитувчилар малакасини оширишда, марказий (таянч) олий ўқув юртларининг илмий-педагогик салоҳиятидан вилоятлардаги олий ўқув юртлари баҳраманд бўлишларида видеоконференция тизимининг имкониятлари жуда кенг.

Иқтидорли талабаларни излаб топиш, улар билан ишлаш механизмини амалга оширишда деканатлар, кафедралар ва тажрибали профессор-ўқитувчиларнинг илмий бўлим билан ҳамкорлиги ташкил этилган. Факультетларда иқтидорли талабаларнинг рўйхатлари, улар билан ишлаш иш режалари мавжуд. Айни кунларда бу ерда 400 нафарга яқин иқтидорли талаба таҳсил олмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг иккинчи босқичи таълим жараёнини мазмун ва сифат жиҳатдан янгилашни талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилишда республикамиздаги барча малака ошириш институтлари, марказлар ва факультетлар билан бир қаторда ТДПУ қошидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети ҳам иштирок этиб келмоқда.

Факультет 2004-2005 ўқув йилида таълим марказининг буюртмаси асосида 863 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг малакасини оширишни режалаштирди.

Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Маматсоли Мадримовнинг таъкидлашича институтда ўтказиладиган тадбирларнинг оммавийлигига, таъсирчанлигига, қабул қилинган қарорларнинг бошланғич ташкилотларда тўлиқ ва сифатли бажарилишига эътибор кучаймоқда. Университет қошидаги тиббий бўлимнинг хизмат кўрсатиш доираси кенгайди. "Хумсон" соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатиб турибди. Жорий йилнинг шу кунигача 630 нафар киши ушбу дам олиш масканида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини тиклашди. Жамоа аъзоларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қўмита таркибидаги ишлар комиссиясининг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Халқлар дўстлиги, Турон, А.Навоий номидаги санъат саройларида турли тадбирлар ва концерт кечалари уюштирилаётир. 2004-2005 ўқув йилида Халқлар дўстлиги саройи маъмурияти талабаларга 32 миллион сўмлик чипталарни бепул тарқатди. Талабалар уйлари атрофида спорт комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Меҳнат ва уруш фахрийлари ҳам ардоқда. Маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида уларнинг 50 нафари Самарқандни зиёрат қилиб қайтишди. Кам таъминланган, ногирон ва кўзи ожизлар ижтимоий муҳофазага олинган. Яқинда уларнинг 40 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

**К.БОЙМУРОДОВА**
**"Ишонч" мухбири**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ОРТИҚЧА МАҲСУЛОТ БОЗОРГА

***Қибрай туманидаги Бурота номли ширкат хўжалиги ўзининг кўп миллатлилиги билан ажралиб туради. Уларнинг тотувлигини кўриб, беихтиёр қойил қоласиз, ҳатто куда-анда тутинишиб, қариндош бўлиб кетишган.***

Умумий ер майдони 1403 гектар бўлган хўжалик ўз аъзолари билан шартнома тузиб, оила пудрати асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Режадан ортиқча маҳсулот ҳисобига даромад манбаи ошиб, ҳаёт тобора фаровонлашиб бормоқда. Ҳар бир оилада соғин сигир, бузоқ ва қўй-қўзи, паррандалар бўлганлиги учун витаминларга бой сут ва гўшт маҳсулотлари ўзларидан чиқмоқда. Хўжаликда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳар иккисидан бирида енгил автомашина бор.

Хўжалик Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бўлиб, ижтимоий масалаларда ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 2004-2005 йиллар мобайнида кам таъминланган оилалар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга икки ярим миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма аъзоларидан 10 киши «Ботаника», «Хумсон», «Бўстон» санаторийларида ҳамда 8 киши Тошкент Давлат аграр университети профилакторийсида соғлиқларини тиклаб қайтишди.

Поликлиника, кундузги муолажа хоналари, фельдшерлик пунктлари ҳамда вилоят касаба уюшмалари томонидан жамоага берилган турли физиотерапия аппаратуралари ўрнатилган даволаш хоналари мунтазам равишда ишлаб турибди.

Таъбир жоиз бўлса, бозор иқтисоди мактабини сув қилиб ичиб юборганлар бу ерда кўплаб топилади. Мана ўн йилдирки, оилавий пудратчи Умид Маърупов 1,5 гектар ерда деҳқончилик қилади. У мунтазам равишда режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. 40 йил шофёр бўлиб ишлаб, эл ардоғини олган. Ҳалол меҳнати билан 4 ўғилни уйлантирди, уйли-жойли қилди. Унга бу юмушларда отаси Турсунбой ота яқин маслаҳатгўй.

Хўжалик аъзолари етиштираётган сабзавот, мева, узум маҳсулотлари, қулупнай ҳамда мазали сут маҳсулотлар пойтахт аҳолисига тортиқ қилиб келинмоқда.

– Табаррук зот номи билан атаб келинаётган ширкат хўжалиги баҳаво иқлими билан, ичимлик ва оқар сувлари билан қадимдан маълум ва машҳур, –дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳайдар Ғофуров. – Ўн мингдан зиёд қишлоқ аҳолиси табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси билан тўла-тўкис таъминланган. 2 та ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, 2 та стадион, спорт заллари, футбол, волейбол секциялари, 3 та оталар чойхонаси, маиший хизмат корхоналари, янги 300 ўринли Чинобод клуби қишлоқ чиройига чирой қўшиб турипти. Байрам ва тантаналарда уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзилиб, совға-саломлар берилади. Ҳар йили ғалла ўрими бошланиши олдидан ҳам эҳсонлар ўтказилиб, барча механизатор ва комбайнчилар қариялардан оқ фотиҳа оладилар.

Касабақўм етакчиси 60 ёшдан ошган бўлса-да, куйди-пишдилиги билан унча-бунчани, шоирона ибора билан айтганда, ярим йўлда қолдириб кетади. Балки шу боисмикан, хўжаликда ижтимоий ҳимоя масалалари яхши йўлга қўйилган.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

## Саволингизга ТДЮИ Фуқаролик процесси кафедраси катта ўқитувчиси Замира Эсонова жавоб беради

***САВОЛ: Ўзаро қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда яшаймиз. Ўртамизда фарзанд туғилди, унга гувоҳнома олиш учун нима қилишим керак?***

**Ф.АШУРОВ, Қамаши тумани**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 207-моддасига кўра, агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзув, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Оила қонунчилигида ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган боланинг насл-насабини белгилаш оталикни белгилаш дейилади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги масала ФХДЁ органида оталикни белгилаш учун ўзаро никоҳда бўлмаган шахсларнинг биргаликдаги аризасига, отанинг якка аризасига, васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига кўра амалга оширилади.

Она вафот этганда ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда ёхуд онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ва у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда отанинг аризасига биноан белгиланади. Агар боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан унинг ҳомийси бериши мумкин. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза бола туғилмасдан олдин, бола туғилгандан кейин, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин.

Судда оталикни белгилашга ўзаро никоҳда бўлмаган шахслар ўртасида боланинг насл-насабини белгилаш борасида низо мавжуд бўлганда йўл қўйилади. Судда бундай тоифадаги ишларни даъво қўзғатиш ва алоҳида иш юритиш тартибида кўриб, ҳал қилинади. Судда оталикни белгилаш ота-онанинг бири, боланинг васийлари, ҳомийлари бола кимнинг қарамоғида бўлса, ўша шахс, шунингдек бола вояга етгандан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади. Бу қонунда кўрсатилган далиллар орқали амалга оширилади.

Шунингдек, алоҳида иш юритиш тартибида оталикни белгилашда боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин.

***Кармана туманида жойлашган Навоий вилоят кўзи ожизлар ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида қирқдан зиёд ногирон меҳнат қилади. Корхонадаги тўқув, тикув ва пахтани қайта ишлаш цехларида кўрпа-тўшак, ёстиқ ва қўлқоплар, автомобиллар учун ўриндиқ ғилофлари тайёрланади. Бу ерда бўз тўқиш цехи ҳам ишлаб турибди.***

Шу йилнинг ўтган даврида корхонада 37 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. «Навоийазот» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Навоий пахта саноати» уюшмаси, фермер хўжаликлари корхона маҳсулотларининг асосий харидорлари саналади.

# ДИЛЛАРДА ШУКРОНАЛИК ҲИССИ

- Ишчиларимизнинг меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун етарлича шароит яратиб берганмиз, - дейди корхона директори Шуҳрат Мардонов. - Улар ўзларини жамиятнинг фаол аъзоси сифатида ҳис қилишлари биз учун жуда муҳим.

Навоий кон-металлургия комбинати корхона ишчиларига ҳомийлик қилиб келади. Байрамларда, тўй-ҳашамларда уларга совға-салом улашади. Комбинат кўмагида ҳар йили меҳнат жамоаси Бухоро, Самарқанд каби кўҳна шаҳарларда бўлиб, қадимий обидаларни зиёрат қилиб қайтади.

- Мен 25 йилдан буён шу ерда - бўз тўқиш цехида ишлайман, - дейди Фарҳод Эргашев. - Ҳукуматимизнинг биз, ногиронларга кўрсатаётган ғамхўрлигини ҳар қадамда ҳис этиб турамиз. Соғлом одамлар қатори меҳнат қилаётганимдан, оиламга, халқимга озгина бўлса-да, нафим тегаётганидан хурсандман.

# ҚЎШИМЧА КАФОЛАТ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Қонунчиликда ҳомиладор ва болали аёлларга қандай қўшимча кафолат ва имтиёзлар ўрнатилган, улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида газета саҳифасида батафсил маълумот берсангиз. Тиббиёт ходимларига вакт масаласида қандай кафолатлар берилган?***

**М.ЭРКАБОЕВА, Данғара тумани**

**ЖАВОБ**: Аёлларимизга қўшимча кафолат ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 224-238-моддаларида ва шу каби бир неча қонунларимиз ва қонун ости ҳужжатларимизда белгилаб берилган.

Амалдаги қонунга асосан аёлларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли уни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтирилишига йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 148-моддасида жиноий жавобгарлик ҳам белгиланган.

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш меъёрлари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказилади. Агар ҳомиладор аёл тиббий хулоса талабига кўра енгилроқ иш билан таъминланмаса унга ана шу сабабли ишламаган барча кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи тўланиши зарур.

Меҳнат қонунчилигида юқорида кўрсатиб ўтилган аёлларнинг иш вақтига ҳам чеклашлар белгиланган. Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга (соат 22 дан эрталабки 6 гача), иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги (ички меҳнат тартиби қоидаси ва дам олиш кунлари жадвалида белгиланган) ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юбориш умуман таъқиқланади.

Аёлларга йиллик таътилларни бериш навбатини белгилашда ҳам қонунчиликда имтиёзлар назарда тутилган.

Ҳомиладор аёлларга ва туққан аёлларга йиллик таътиллар, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан сўнг берилади. Кўрсатиб ўтилган аёлларнинг биринчи иш йилида олти ой ўтмасдан ҳам олдин уларнинг хоҳиши бўйича таътил берилиши зарур. Бу ўринда иш берувчи ёки бухгалтерия ходимлари, томонидан ҳеч қандай қаршилик кўрсатилиши мумкин эмас.

Қонунчиликда болали аёлларни дам олишларида берилган имтиёзлардан яна бири Меҳнат Кодексининг 232-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга асосан ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч кундан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади. Бундай қўшимча таътилнинг муддати жамоа шартномасида ҳар бир муассасада ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уч кундан ортиқ қилиб ҳам белгиланиши мумкин. Бу қўшимча таътилдан ҳар йили фойдаланиш зарур ва у кейинги йилга ўтказилишига қонунчиликда йўл қўйилмайди. Бундай қўшимча таътиллар пуллик компенсация билан алмаштирилмайди.

Шунинг учун ҳар бир муассасада икки ва ундан ортиқ ўн икки ёшгача ва ўн олти ёшгача ногирон боласи бор аёлларнинг рўйхати тузилган бўлиб, унда болаларнинг туғилган куни, ойи ҳамда йили кўрсатилган бўлиши шарт. Бу рўйхат ходимлар билан ишлайдиган бўлимда сақланиши ва ундан рўйхатдаги ходимларга меҳнат таътили берилганда фойдаланиши зарур.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатиб ўтилган аёлларга уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили ўн тўрт календар кундан кам бўлмаган муддатда иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади. Бундай таътил меҳнат таътилига қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишилган ҳолда бошқа вақтда ҳамда қисмларга бўлиб фойдаланилиши мумкин. Бу таътилнинг ҳам кейинги йилга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Аёлларга иш вақти масалалари бўйича ҳам қонунчиликда бир мунча имтиёзлар белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига 228[1] - моддаси қўшимча қилиб киритилган. Қонуннинг қисқартирилган иш вақти ўрнатиш тўғрисидаги талаби ҳафтасига 40 соат (МК 115-модда), ҳафтасига 36 соат (МК 118-модда) ишлайдиган уч ёшгача боласи бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасаларда ишлаётган аёлларга ҳам тегишлидир.

Мазкур Қонуннинг тўлиқ бажарилиши учун ҳар бир муассасада уч ёшгача боласи бор бўлатуриб, ишлаётган аёлларнинг исми, фамилияси ва лавозими, боласининг туғилган куни, ойи, йили кўрсатилган ва иш ҳафтасининг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ чиқарилиши зарур. Бу буйруқ билан унда кўрсатилган ходим, иш вақти табелларини олиб борувчи ҳамда иш ҳақини белгилайдиган ҳисобчи имзо чектириб таништирилиши ва уларга бу Қонуннинг мазмуни албатта тушунтирилиши керак.

Тиббиёт муассасасида ишлаётган ходимларнинг 70-80 фоизини аёллар ташкил қилади. Шу сабабли уларга қонунчиликда иш вақти масаласида ўрнатилган кафолатлар тўғрисида тўхталиб ўтиш зарур.

Меҳнат Кодексининг 118-моддасида юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифа ходимлар учун(тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Лекин тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатлик иш вақти ўрнатилишида кўплаб мунозаралар келиб чиқди. Шу сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бу саволга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилди. Конституциявий суд бу масалани кўриб чиқиб, 1998 йилнинг 12 мартида тиббиёт ходимлари учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди. Тиббиёт ходимларига тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сонли буйруғи чиқарилган.

Меҳнат Кодексининг 124,125,157-моддаларига мувофиқ иш вақтидан ташқари ишларга ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Унинг муддати йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги зарур. Бундай ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши керак.

*БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ*





Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари вилоят сарҳадларида, кўча ва чорраҳаларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишини ҳушёрлик билан назорат қилиб боришмоқда. Шунингдек, содир этилаётган ЙТҲларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўраяптилар. Вилоят ҳудудига ноқонуний олиб келинаётган товар-моддий бойликларни, гиёҳвандлик моддаларини аниқлаш, автоулов воситаларини олиб қочиш, босқинчилик ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашда доимо сергаклик кўрсатишаяпти. Натижада ҳар куни кўплаб қоидабузарликларнинг олди олинмоқда.

**Суратларда: вилоят ИИБ ЙҲХБ 1-отряд 1-сафарбарлик гуруҳи инспектори катта сержанти Абдуназар Бешимқулов ҳайдовчининг ҳужжатларини текширмоқда; 2-отряд 2-сафарбарлик гуруҳи инспектори, катта сержант Рустам Абдураҳмонов хизмат пайтида.**

# МУРУВВАТ КУНЛАРИ

Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгаши ходимлари ва кўнгиллилари ўтаётган Мурувват ўн кунлигида фаол иштирок этмоқда.

Кўпгина маҳаллаларда фавқулодда вазиятларда ўзини тутиш қоидаларига бағишланган тренинглар ўтказилмоқда. Амалий ишлар ҳам қилинмоқда - кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда юзлаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

- Қарамоғимизда олти юзга яқин одам бор,- дейди Қизил Ярим Ой жамияти вилоят кенгаши раиси Д.Сайфиддинова. - Булар - қариялар, ногиронлар, ёлғизлар ва кам таъминланган оилалардир. Уларнинг ҳаммасига зарур тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатамиз.

Мурувват ўн кунлиги давомида ёшлар ва ўқувчилар ўртасида турли танловлар ва кўргазмалар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилади.


# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига **2005 йил 5 декабрдан** қуйидаги объектлар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

1.Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (61-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 35000,0 АҚШ доллари.**

2.Қашқадарё вилояти, Нишон туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (12-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 18900,0 АҚШ доллари.**

3. Навоий вилояти, Нурота туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (12-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси – 14009,0 АҚШ доллари.**

**Изоҳ: Ушбу АЁҚШлар бўйича тўловлар АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.**

Давлат Мулки қўмитасининг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан РКМБ Наманган вилояти филиали маклерияти орқали 2005 йил 2 декабрдан қуйидаги объектлар қўйилади.

1.Наманган вилояти, Чуст туманида жойлашган, «Чуст туман бош пиллахона» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 16761,9 минг сўм.**

2.Наманган вилояти. Уйчи туманида жойлашган, «Уйчи тумани бош пиллахона» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 16274,1 минг сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**
**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлар объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www/rkmb.uz**

**Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй (вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси биносининг 4-қавати), РКМБ Наманган вилоят филиали.**

**Телефонлар: (8-3692) 26-54-47; 26-27-01.**

# ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ КУТУБХОНАСИ

*Ташаббус*

***Бахмал тумани ҳокимлиги ва "Обод" маҳалла нуронийлар уйи қошида шундай кутубхона ташкил этилди. Унда Юртбошимизнинг 50 дан зиёд асарлари, фотосуратлар, газета ва журналлар тахламлари ўрин олган. Шинамгина кутубхона ва ўқув зали мавжуд.***

— Ҳар ойнинг биринчи ва охирги ҳафтасининг сешанба куни раҳбарлар, пайшанба куни ижтимоий соҳа ходимлари, шанба куни тадбиркор, ишбилармон, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида Президент асарлари ўқувини ташкил этганмиз, - дейди туман ҳокими Маматқул Қаршибоев. — Ўқув иштирокчилари амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислоҳотлар самараси, Миллий истиқлол мафкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ғояларининг нечоғли аҳамиятга молик эканлигини ўзлари ишлаётган корхона, ташкилот, муассаса, хўжаликлар ишчи-хизматчиларига, қолаверса, маҳалла, мактаб, оилаларга етказишмоқда. Келгусида ана шундай кутубхоналарни ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларда очиш ниятимиз бор.

— Айни пайтда мингга яқин китобхонимиз бор, - дейди кутубхоначи Лола Нурназарова. — Уларнинг кўпчилигини тадбиркор ва фермерлар ташкил этади. Айниқса, Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари чоп этилган газета ва журналларни сўраб келувчилар кўп.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**"Ишонч" мухбири**



**Суратда: бир гуруҳ китобхонлар мутоала пайтида**

## *2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили*

# ШИРИН СЎЗ - БЕМОРГА МАЛҲАМ

***Ғиждувон аталмиш бу заминнинг ҳар тоши бир тарих, ҳар сиқим тупроғи кўзга суртгулик азиз. Тақдир бу ҳудудга хожагон тариқатининг пири комили Хўжаи Жаҳон - хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдек улуғ зотни инъом этиб, унинг шуҳратини оламга ёйди. Ул азиз зот шафоатидан бу заминга ҳамиша барака ёғилади. Шундан ерлари унумдор, одамлари тадбиркор, олийҳиммат, ёшлари маънан етук, жисмонан бақувват.***

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2003 йилда ўтказилган хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан шаҳар янгича қиёфа касб этди. Тарихий обидаларга монанд замонавий бинолар, академик лицей ва коллежлар, спорт-соғломлаштириш масканлари барпо этилди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўша йили тиббиёт билим юрти базасида ташкил этилган Ғиждувон тиббиёт коллежи ана шундай эзгулик самараси ҳисобланади.

— Маърифат - тафаккурга экилган эзгулик дарахти, - дейди коллеж директори тиббиёт фанлари номзоди Мурод Мухторов. — Маънавият эса ана шу дарахтнинг меваси. Ўйлайманки, яхши парваришланган дарахт ширингина мева беради. Бўлажак ҳамшираларни тарбиялашда аввало, ана шу ҳақиқатга амал қиламиз. Тиббиёт соҳасидаги назарий билимларга қўшиб маънавий тафаккурларини бойитамиз. Негаки, ҳамширанинг гўзал маънавияти — ширин сўзи, ҳамдардлиги, ишонтириш кучи беморга ҳар қандай дори-дармондан кўпроқ малҳам бўлади.

Коллежда замонавий билимларга эга, маънавий баркамол бўлажак ҳамшираларни тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқув лабораториялари, кабинет, ошхона, ётоқхона, кутубхона, қироатхона, қўйингки, деворларда акс этган плакат ва кўргазмаларгача маънавиятдан сабоқ беради.

Коллежда 39 та замонавий фан хоналари ва лабораториялар мавжуд. Шинам кутубхонада тиббиётга оид дарсликлар билан бирга бадиий адабиётлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Талабалар кундалик газеталар, журналлар қатори Президент асарларини ҳам ўқиб-ўрганиш имкониятига эга. Энг сўнгги тиббий ўқув ускуналари билан жиҳозланган коллежда 9-11-синф негизида уч йўналиш - ҳамширалик иши, акушерлик иши, ортопедик стоматология бўйича мутахассислар тайёрланади. Айни кунда бу ерда 750 нафар талаба тиббиёт сирларини ўрганмоқда. Коллежда 3 та компьютер хонаси бўлиб, уларнинг иккитасида PENTIUM, биттасида IBM русумли компьютерлар ўрнатилган. Бундан ташқари Япония гранти асосида тренинг хонаси ташкил этилган. Бу ерда тиббиёт соҳасига оид 61 турдаги 139 та замонавий жиҳозлар мавжуд. Улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилаяпти. Коллеж интернет тармоғига уланган.

"Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий, моддий ва молиявий базани мустаҳкамлаш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш борасидаги кўрсатмалар коллеж ўқитувчилари зиммасига катта масъулият юкламоқда, таъкидлаш жоизки, ўқув сифати ва самарадорлиги оширилди. Тажрибали, билимдон мутахассислар ҳисобидан педагогик ходимлар сафи мустаҳкамланди. Алоҳида ютуқларга эришган ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди. Айниқса, талабалар иштирокида ташкил этилаётган "Соғлигинг - бойлигинг", "Соғ танда - соғ ақл", "Соғлом аёл - соғлом оила - соғлом жамият" мавзусидаги тадбирлар ёшларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Коллеж маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўқитувчи ва ходимлар ҳамда талабаларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, соғломлаштириш ишига муҳим вазифа сифатида ёндошмоқда. Ўқитувчилар малакаси оширилиб, ташаббуслари рағбатлантирилиб борилмоқда. Шунингдек, ходимлар ва талабаларни соғломлаштириш учун дам олиш уйларига йўлланма ажратилиб, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар давлат дастурида қўйилаётган долзарб масала - малакали, билимдон, маънан етук, замонга мос, ташаббускор ва инсоний фазилатлар эгаси бўлган тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда.

**А. ҚОДИРОВА,**
**"Ишонч" мухбири**



## *Хабарлар оқимидан*

### ЎЗБЕК ОЛИМИГА НУФУЗЛИ МУКОФОТ

Москва шаҳрида «Тил ва маданият» деган мавзуда халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Россия Федерациясининг лингвистика фанлари академияси томонидан уюштирилган бу нуфузли анжуман ишида ўзбекистонлик тилшунос олимлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Фалсафа фанлари доктори профессор Кўчқор Хоназаров томонидан қилинган илмий чиқиш кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Олим ўзбек ва рус тилларини ўзаро уйғунликда тадбиқ этиш юзасидан яхши фикрларни баён этди.

Конференцияда ўзбек олимининг кўп йиллик илмий фаолияти ҳам муносиб тақдирланди. Россия Федерацияси лингвистика академияси таъсис этган «Олтин медал» унга тантанали топширилди. Бундай мукофот тил ва маданият соҳасида самарали изланишлар олиб бораётган кўзга кўринган тадқиқотчиларга ҳар йили тақдим этилади.

### АХБОРОТ ГУРУҲЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги саъй-ҳаракати билан ўқув муассасаларида ахборот гуруҳлари тузилди. Таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари профессор-ўқитувчилари вакилларидан иборат бу гуруҳлар ўтган қисқа вақт ичида қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Ана шу илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Энг яхши ахборот гуруҳи» республика кўрик-танлови уюштирилди. Талабаларнинг ахборотга бўлган қизиқишларини таъминлашга эришган гуруҳлар ўзаро беллашдилар.

«Энг яхши ахборот гуруҳи» бўйича биринчи ўрин Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаларидан иборат гуруҳга берилди. Кўрикда Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Самарқанд давлат университети ахборот гуруҳлари иккинчи ва учинчи ўрин ғолиблари бўлишди.

### ТЕАТРНИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

Республикамиз театрлари томонидан уюштирилаётган ижодий сафарлар жойларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Ёшлар театри ҳам ўзининг навбатдаги гастролига пухта тайёргарлик кўрди.

Бу галги ижодий сафар Россия Федерациясининг қатор шаҳарларида бўлиб ўтади. Бунинг учун ижодий жамоа энг яхши постановкалардан иборат янги дастур ҳозирлади.

Россиялик томошабинларга «Содом ва Гоморр», «Холстомер» каби қизиқарли спектакллар тақдим этилади.

Ёш томошабинлар эса болаларга бағишланган «Маликанинг севгилиси» деган постановка билан танишадилар. Гастрол давомида ўзаро ижодий тажриба алмашиш имкони туғилади.

**А.АЛИЕВ**

*Ибрат*

# «ОИЛА ВА НИКОҲ» ПОЛИКЛИНИКАСИДА

***Соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури асосида аёллар саломатлигини муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилган.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Навоий вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Навоий шаҳрида «Оила ва никоҳ» поликлиникасининг янги биноси жиҳозланиб, ҳамма қулайликлар яратилди. Тажрибали врач-гинеколог Гулчеҳра Алиева бошчилигидаги шифокорлар турмуш қураётган йигит-қизларни малакали тиббий кўрикдан ўтказадилар.

– Оила – давлатимиз таянчи, – дейди биз билан суҳбатда олий тоифали врач. – Бўлажак оиланинг соғлом бўлиши ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун никоҳланувчи фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти жорий этилди. Янги турмуш қураётган ёшлар ФҲДЁ рўйхатидан ўтишдан олдин 5 та йўналиш – ОИТС, сил, тери-таносил касалликлари, наркодиспансер, психоневрологлар томонидан тиббий жиҳатдан текширилади. Бўлғуси келин-куёв кардиолог, уролог, терапевт ва бошқа врачлар ҳузурида ҳам бўлишади. Барча ФҲДЁ бўлимларида «Ёш оила» мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда қурилажак оиланинг соғлом турмуш тарзи, касалликларнинг олдини олиш ва оила тиббий маданияти бўйича машғулотлар ўтказилаяпти. Қишлоқ ва маҳаллаларда уюштирилаётган давра суҳбати ва мулоқотлар баркамол авлодни вояга етказишга ижобий таъсир кўрсатаяпти.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг моҳиятини чуқур англаган мутасаддилар томонидан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, моддий-молиявий базасини мустаҳкамлаш, малакали ходимлар тайёрлаш, фуқароларда ўз саломатлигини асраш борасида фаол муносабатни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаяпти.

«Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» шиори остида «Маънавият ва маърифат маркази», халқ таълими, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, педагогика ва давлат кончилик институти ҳамда бошқа дахлдор ташкилотлар иштирокида давра суҳбатлари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари уюштирилди. «Оиланинг ахлоқий, руҳий муҳити», «Соғлом авлод – миллат келажаги», «Оила, мактаб ва маҳалла», «Болалар тарбиясига барчамиз масъулмиз», «Никоҳ ва ёшлар» каби тадбирлар вилоятдаги 261 та қишлоқ ва маҳаллада ўтказилди.

Дастур талаблари асосида тиббиётни ривожлантиришга бюджетдан ташқари 5,3 миллиард сўм, ҳомийлар маблағидан 638 миллион сўм сарфланди. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, репродуктив саломатликни яхшилашга бюджетдан ташқари 333 миллион, 180 миллион сўм ҳомийлар маблағи йўналтирилди.

Қарияларнинг соғлом ҳаёт кечириши, ногиронлар, якка-ёлғизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун етарли шарт-шароит яратишга 207,3 миллион сўм бюджетдан ва 915,7 миллион сўм бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда ҳомийлар маблағидан 167,8 миллион сўм ажратилди. Ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олишга 188,1 миллион сўм харажат қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш ва тиббиёт кадрлари тайёрлашга 1 миллиард 685 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда «Саломатлик куни»ни ўтказиш анъанага айланган. «Саломатлик поезди» тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳи маркази, Қизилтепа, Хатирчи, Кармана, Нурота, Навбаҳор ва Конимех туманларида бўлиб, 2 мингдан ортиқ кишини тиббий кўрикдан ўтказди. Муҳтож, ёлғиз, кам таъминланган, ногирон беморларга ярим миллион сўмлик дори-дармон ва махсус препаратлар тарқатилди.

Вилоятда болалар ўлимини камайтириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Бўғма, қоқшол, кўкйўтал, қизамиқ, сил, шол, гепатитнинг «В» формасига қарши эмлаш ўтказилди. Туғма нуқсонли ногирон болалардан 17 нафари жарроҳлик йўли билан пластик операция қилинди. 8 нафар ногирон бола германиялик мутахассислар кўригидан ўтказилди. Вилоят скрининг маркази ишга туширилиб, «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан «Дельфия» аппарати олиб берилди.

Халқаро ХОУП лойиҳаси иштирокида «Соғлом оилани шакллантириш», «Болам соғлом бўлсин десангиз», «Кўкрак сути билан узоқ ва мароқли эмизиш асослари», «Мен ва менинг дунём», «Она ва болага дўстона муносабат» сингари китобча ва рисолалар, ҳомиладорлик вақтида учрайдиган хавфли белгилар, деб номланган плакатлар чоп этилиб, аҳолига тарқатилди.

Ногиронларни реабилитация қилиш марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 28 миллион сўм маблағ сарфланди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли сиҳатгоҳларда даволаниши учун пенсионер ва ногиронларга 200 дан ортиқ йўлланма, Кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» акциядорлик жамиятлари ўттизта, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Семашко номли республика физиотерапия илмий-тадқиқот институтида даволаниш учун 15 та бепул йўлланма ажратди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси орқали йирик саноат корхоналари сиҳатгоҳларига Навоий кон-металлургия комбинати ва «Навоийазот» акциядорлик жамиятларининг ҳар бири 30 тадан бепул йўлланма олиб берди.

Кўзи ожиз 60 нафар ногиронга сунъий кўз гавҳари қўйилди. 100 дан зиёд ногирон протез ва ортопедия маҳсулотлари, 140 нафари эшитиш мосламаси, 76 нафари ўриндиқли аравачалар билан таъминланди.

Вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказига ҳомийлар маблағидан 13 турдаги ва бюджет ҳисобидан 200 минг сўмлик дори-дармон олиб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 2685 нафар фарзандига 19,8 миллион сўмлик совғалар улашилди.

Воҳада «Аёллар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш бюроси», «Саломатлик-2» ташкил этилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан Япония элчихонасининг 78 минг АҚШ доллари қийматидаги гранти Конимех тумани туғруқхонасини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга сарфланди.

Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Кармана туманидаги Ибн Сино номли қишлоқ врачлик пункти ҳақиқий даволаш масканига айлантирилган. Учқудуқ туманида Кўрқудуқ, Алтинтов ҚВПлари ишга туширилди. Қизилтепа туманида 3 та, Хатирчида 2 та, Нурота, Навбаҳор, Томди, Учқудуқ туманларида биттадан қишлоқ врачлик масканлари йил охиригача фойдаланишга топширилади. Вилоят марказининг «Умид» қўрғонида икки қаватли поликлиника, Хатирчи туманидан Олтинсой қишлоғида 180 ўринли санаторий қурилди.

Минтақанинг экологик ҳолати анча мураккаб. Шунинг учун ҳам атмосферага зарарли моддалар чиқаришни камайтиришга янги технологияларни қўллаш мақсадида 12 миллион сўм маблағ йўналтирилди. «Вилоятимизни, шаҳар ва туманларимизни юксак санитария маданияти шаклланган ҳудудларга айлантирамиз» шиори остида ўтказилган кўрик-танловда Зарафшон шаҳри, «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти, Кармана туманидаги «Дўстлик» маҳалласи ғолиб деб топилиб, улар 1,5 миллион сўмлик совғалар билан тақдирланди. Ҳозирга қадар 50 километрли қувур ётқизилиб, қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Халқ соғлиги – юрт бойлиги. Даволаш-профилактика муассасаларида барча зарур шарт-шароитлар яратилганлиги, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва малакали кадрлар билан таъмин этилганлиги аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

**И.ТИЛЛАЕВ**

### АРХИВЧИЛАР УЧУН БИНО

Қашқадарё вилоят Давлат архиви Шаҳрисабз тумани бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

- Туман архивчиларининг мана шундай замонавий бинога эга бўлишлари - иш сифат даражасини кўтаради, - дейди вилоят архив ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурашит Бўтаев. - Зеро, архив ишлари самарадорлиги яратилган шароитга ҳам боғлиқ. Шундай бинолар барча туманларда бунёд этилади.

- Тантанада Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари архив ишлари бошқармалари бошлиқлари ва вакиллари қатнашиб, маҳаллий архившунослик ишлари билан яқиндан танишдилар, тажриба алмашдилар.

**Қ.НАСРИДДИНОВ**

### ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида эркаклар ва аёллар ўртасида стол тенниси бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда 48 нафар кучли спортчи иштирок этди.

Бир ҳафта давом этган мусобақаларда Тошкент вилояти вакиллари А.Каримов ва А.Жугай эркаклар ўртасида биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритди. Андижонлик Т.Шириев учинчи ўринни эгаллади. Аёллар ўртасида эса совринли ўринларнинг барчаси Тошкент вилояти вакилларига - М.Ноятова, С.Гета ва Е.Левинага насиб этди.

*Ҳангома*

# АЁЛ МАКРИ

Аёллар ҳақида жуда кўп ва хўб ёзилган. Уларни куйламаган шоир, мадҳ этмаган ёзувчи топилмайди. Инсоният пайдо бўлганидан буён бу ҳолат давом этиб келади.

***Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,***
***Шароф тожи эрур оёғин гарди.***

деб осмонга кўтарса Абдураҳмон Жомий, «Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир» деган ҳикмат билан сийлайди Бальзак.

Дарҳақиқат, дунёда энг асл сўзлар аёлларга аталган, уларни шарафлашга қаратилган. Бундан ўзгача ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки тирикликнинг давомийлиги улар туфайли, онгли мавжудотлар улар билан барҳаёт.

Лекин эл орасида «аёл макри қирқта туяга юк» деган гап-сўзлар ҳам юради. Бунга мисоллар кўп. Шу десангиз бундан бир неча йил муқаддам Шомуҳит отлиқ шофёр йигит давлат ташкилотларидан бирининг юк машинасини бошқарар, ҳар қалай тирикчилиги ёмон эмасди. Ҳеч кимга сир эмас, баъзан қўшимча даромад топиш мақсадида «левый» ҳам қилиб турарди. Аммо иш ҳамиша хамирдан қил суғургандек осон кечмас экан. Биз сизга айтиб бермоқчи бўлган воқеа Қашқадарё вилояти Яккабоғ темирйўл станциясининг кўмир омборхонасида бўлиб ўтган. Бирорта мижоз топиламикан деган умидда турган Шомуҳитнинг олдига бир аёл келиб, «Айланай, укажон, кўмир олгандим, шуни машинангизга ортиб уйимга олиб бориб берсангиз», деб қолса бўладими! «Қани, опажон, кўмирни кўрсатинг», дея Шомуҳит дарҳол ишга киришиб кетади. Ҳашпаш дегунча 2 тонна кўмирни юклаб, Чироқчи тумани томон йўлга тушади. Бироқ «Айланай опажон»нинг ҳовлиси катта кўчадан анча ичкарида бўлиб, Шомуҳитнинг «иши» янада чигаллашади. Начора, пул ўлгур одамзотни ҳар кўйга солади. Шомуҳит терлаб-пишиб кўмирни ҳам туширди, ҳам ташиди. Ташиб бўлиб, пул илинжида «Мана, ҳаммаси бўлди» деб опага қаради. «Айланай опажон» бир чимирилиб олди-да, телефон гўшагини кўтариб, қаергадир сим қоқиб, бу милиция бўлимими, деб сўради-да, менга ёрдам беринглар, битта эркак тегажоқлик қилаяпти, деб манзилини айтди-да, гўшакни қўйди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Шомуҳит бу инсофдан эмас, опажон, мен сиз айтган юмушларни ҳаммасини қилдим, деди-ю, яна балога қолди. Яна бир оғиз гап гапирсанг, кийимларимни йиртиб, дод соламан, деди-да, аёл ростдан ҳам овозини баландлатиб, йўқолчи-йўқол, дейишга тушди. Шомуҳит ўтакаси ёрилиб машина томон югурди. Машинани ўт олдириб қочмаган номард, дея жўнаб қолди. Ана шу воқеадан кейин Шомуҳит нафақат кўмирни кўрса, балки номини эшитса ҳам мазаси қочади.

**Мусоқул УСМОНОВ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Республика Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси Тоҳир Назаржоновга акаси

**ҲУСАН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Кенгаш раиси Тоҳир Назаржоновга акаси

**ҲУСАН ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Самарқанд вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Кенгаши Пайариқ туман тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Камолиддин Гадоевга отаси

**ҲАСАН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7252 Буюртма Г— 116

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456